

## Мумтоз меросга муҳаббат

2021 йил 11 февраль куни 3 - Талабалар турар жойидаги Ахборот - ресурс марказининг филиалида кутубхоначи Д. Собирова ва М. Назаровалар бошчилигида “Сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда буюк шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудлари” га бағишланган тадбир ўтказилди. Тадбирда ЕРБ декани ўринбосари Х. Х. Эшова, ГМ факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари О. Хабибуллаев, ҚСХЭТ факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари А. Ботиров, ТТЖ директори И. Бухоров, ТТЖ тарбиячи педагоги Н. Исокулова ва Д. Шукруллаевалар ҳамда талаба ёшларимиз иштирок этдилар.



Ушбу тадбирда талаба ёшларимиз томонидан Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидан тайёрланган сахна кўринишлари намойиш этилди. Тадбир сўнгида фаол иштирок этган талабалар: ҚСХЭТ факультети талабалари “Шоҳ Бобур” сахна кўриниши, талабалар М. Бозорова, О. Махаматовлар “Навоий ва Гули” монологи, ГМ факультети талабаси А. Абилкасинова Алишер Навоийга бағишлаб ёзган шеъри ва бошқа кўпгина талабалар буюк шоирларимизнинг дурдона асарларини ифодали ўқиб эшиттирганлари учун “Фахрий ёрлиқ” ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**